

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 -РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ХОДЖАМҚУЛОВ УМИД НЕГМАТОВИЧ

**ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
педагогическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctoral dissertation (DSc) in
pedagogical sciences**

Ходжамкулов Умид Негматович

Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ... 3

Ходжамкулов Умид Негматович

Научно-теоретические основы инновационного кластера
педагогического образования..... 27

Khodjamkulov Umid Negmatovich

Scientific and theoretical bases of innovative cluster of pedagogical
education..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 -РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ХОДЖАМҚУЛОВ УМИД НЕГМАТОВИЧ

**ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Ped110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Гафурджан Исраилович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Худойкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01-рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Т.Ражабов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали қўлланиб келинаётган кластер модели ўзининг универсал табиати билан бошқа соҳаларга ҳам татбиқ этилмоқда. Жумладан, таълим соҳаси ҳам инсон капитали воситасида иқтисодий муносабатларга киришувчи тармоқ сифатида кластер моделини фаол ўзлаштирмоқда. Халқаро баҳолаш дастурлари (PISA – Programme for International Student Assessment, TIMSS – Trends in International mathematics and science study, PIRLS – Progress in International Reading Literacy Study) ни таълим тизимига кенг жорий этиш шароитида таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини кластер модели воситасида оширишга жаҳон мамлакатлари таълим тизимида янги инновацион ёндашув сифатида қаралмоқда. Таълим хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг муайян умумий мақсад атрофида бирлашуви орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш таълим кластерининг мазмунини белгилайди ва уни илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг кўпгина етакчи илмий марказлари ва олимлари томонидан таълим кластерининг моделларини яратиш, унинг илмий-назарий асослари ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Таълимга кластер ёндашуви муаммоси умумий моҳиятли бўлса-да, унинг амалиётга татбиқ этилиши ҳар бир фан тармоғи ва кластер ҳудудининг ўзига хослигига мос равишда алоҳида ёндашишни тақозо этади. Чунки таълим кластерларини фаннинг муайян тармоғи ва аниқ географик ҳудудга мувофиқ амалга ошириш унинг самарадорлигини таъминлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда амалда бўлган таълим сиёсати мавжуд замонавий ва инновацион талаблардан келиб чиққан ҳолда унга мос келадиган таълим кластерларининг илмий-назарий асослари ва моделларини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ягона таълим сиёсатининг ҳудудлар кесимидаги ижроси олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлашга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бугунги кунда педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилишининг ҳаётий заруратга айланиши унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат, рақобат, интеграция, узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланиши натижасида манфаатларнинг қондирилишига эришиш заруратини намоён қилмоқда. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги ушбу муҳим ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон фармонида таълим кластерларини яратиш соҳада самарадорликни

таъминловчи омил сифатида белгиланган.¹ Кластер ёндашувини педагогик таълимга татбиқ этишнинг миллий ва ҳудудий моделларини яратиш, уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш муаммонинг илмий жамоатчилик томонидан чуқур тадқиқ қилинишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Таълимга кластер моделини татбиқ этиш билан боғлиқ илмий изланишлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Массачусетс ва Гарвард университетлари (АҚШ), Страсбург университети (Франция), Уппсала университети (Швеция), TU9 – Германия технологиялар университети ва “U15” университетлар иттифоқи (Германия), “Олий иқтисодиёт мактаби” миллий тадқиқотлар университети (Россия), Беларусь давлат педагогика

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон Фармони: Тошкент ш., 2020 йил 29 апрель.

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.hhs.se/contentassets/f51b706e1d644e9fa6c4d232abd09e63/greenbooksep03.pdf>; <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=26824>; Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors², Cambridge, 1980, 454 pages; Innovation clusters in France: Innovation Comes First. URL: <http://www.invest-infrance.org/us/why-choose-france/research-and-partnerships-innovation-clusters.htm>); Elektronnyj resurs: <http://www.promcluster.ru/index.php/publications-cls.html>; Концепция развития педагогического образования на 2015–2020 годы: утв. Приказом Министерства образования Респ. Беларусь, 25 фев. 2015 г., № 156. [Электронный ресурс].- Режим доступа: [http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The concept of teacher education.pdf](http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The%20concept%20of%20teacher%20education.pdf). – с.10. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

университети (Беларуссия) ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институт (Ўзбекистон) ларида олиб борилмоқда.

Таълимга кластер ёндашувини татбиқ этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: иқтисодиёт тармоқларида мавжуд ишлаб чиқариш жараёни кетма-кетлиги таълим кластерларида инсон капиталининг бозор механизмларидаги эквиваленти сифатида моделлаштирилган (Массачусетс ва Гарвард университетлари); кластер воситасида олий таълим муассасаларини ташкилий жиҳатдан бирлаштириш натижасида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро рейтингларда миллий таълим тизимининг кўрсаткичларини яхшилашнинг илмий асослари яратилган (Страсбург университети); таълим муассасаларида фанларни кластер воситасида ўқитишнинг модернизациялашган тизими яратилган (Уппсала университети); кластер ёндашуви орқали таълим ва фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг ҳудудий моделлари ишлаб чиқилган (TU9 – Германия технологиялар университети); меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ҳудудлар кесимида тақсимлаб тайёрлаш тизимининг кластер модели ишлаб чиқилган (“Олий иқтисодиёт мактаби” миллий тадқиқотлар университети); педагогик таълимга кластер ёндашувини татбиқ этишнинг инновацион ҳудудий тузилмалари яратилган (Беларусь давлат педагогика университети); педагогик таълим инновацион кластерининг миллий модели, тамойиллари ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилган (Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти).

Жаҳонда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодиётдаги кластер моделида субъектларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи, уларнинг куч ва салоҳиятларини бирлаштириш орқали самарадорликни таъминловчи механизмларини умумий мақсад, хусусий манфаат, ўзаро назорат каби кластер тамойиллари асосида такомиллаштириш; олий таълим муассасалари ва илмий марказларни ягона тизимга бирлаштириш асосида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш; кластерларнинг таълим субъектлари рақобатбардошлигини таълим-фан-ишлаб чиқаришни интеграциялаш орқали таъминлашдаги ролини илмий асослаш; педагогик таълим кластерларини амалиётга татбиқ этишнинг механизмларини мавжуд таълим сиёсатининг тамойилларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда педагогик таълим кластери ва унинг амалиётга татбиқи муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида кейинги йилларда ўрганилмоқда. Хусусан, таълим кластери педагогикамизда интеграция ва узлуксизлик билан боғлиқ янги инновацион йўналиш ҳамда унинг амалиётга татбиқ қилиниши педагогик таълимда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш омили эканлиги Ғ.И.Муҳамедов, Ш.Қ.Мардонов, Ш.Ботирова, Х.Султонов, С.Тоштемирова, Н.Кошанова, Қ.Маҳмудов-

ларнинг тадқиқотларида муайян даражада ёритилган. Муаммога ёндош бўлган йўналишларда, хусусан: узлуксиз таълим тизимининг ташкилий-педагогик омиллари, таълим тизимини мазмун ва шакл жиҳатдан такомиллаштириш механизмлари Р.Эшчанов, Г.Бобожонова, Д.Бекчанов, М.Қуроноф, Р.А.Маҳмудов, Р.Ш.Аҳлиддинов, Ю.Н.Абдуллаева; таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, таълим турлариаро интеграцияни кучайтириш Б.С.Абдуллаева, Н.Х.Раҳмонқулова, Д.Ш.Якибова, М.И.Тошпулатова, А.А.Жуманов, Р.Б.Адизов; фанлараро алоқадорликни таъминлаш ва таълим муассасаларининг илмий-услугий ҳамкорлигининг ташкилий жиҳатлари Н.М.Абдуллаева, Г.Ш.Файзуллаева, О.К.Абдурахмоновларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълим кластерларини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, хусусан, худудий таълим кластерларининг тузилмаси ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш, касбий таълимда кластер моделини татбиқ этиш муаммолари А.Яшевой, Б.Пугачева, А.Г.Гранберг, М.Галушкина, А.В.Леонтьев; кластер модели воситасида таълимни бошқаришни назарий ва илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш технологиялари Н.В.Городнова, П.Ф.Анисимов, Г.И.Ибрагимов, Д.Л.Скипин, В.П.Панасюк, Н.Е.Егоров; ишлаб чиқариш ва таълимни кластер воситасида интеграциялашнинг мазмуни, шарт-шароитлари ва омиллари Н.А.Мишура, Л.Л.Наумова; индивидуал субъектлар ва кластер иштирокчиларининг имкониятларини оширадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган таълим ресурсларини ташкил этишнинг интеграл тизимлари А.С.Субетто, Е.А.Корчагин, Н.А.Шарай, Л.Н.Николаева, Т.В.Вдовиналар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан А.Маршалл, М.Портер, О.Солвел, Г.Линдгвист, С.Кетелсларнинг илмий изланишларида кластер моделининг муайян субъектлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли, таълим кластерлари моделининг ягона типологик хусусиятлари АҚШ ва Европа мамлакатлари мисолида очиб берилган.

Хорижий тадқиқотларда таълим кластерлари худудийлик, бошқарув, рақобатбардошлик, фан ва ишлаб чиқариш муносабати каби йўналишлар бўйича умумий тарзда ўрганилган. Кластер моделини таълимнинг муайян тармоғида, хусусан, педагогик таълимда самарадорликка таъсир этувчи омил сифатида тадқиқ этиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсатининг устувор тамойилларига таянган ҳолда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“педагогик таълим инновацион кластери” тушунчаси ҳамда кластер воситасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг илмий-педагогик муаммо сифатидаги назарий асосларини такомиллаштириш;

педагогик таълим инновацион кластери миллий модели ва таълим муассасаларининг кластер ҳамкорлик тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда тавсифлаш;

мамлакатимиздаги педагогик таълим шароитидан келиб чиқиб кластер воситасида таълим муассасалари ҳудудий ҳамкорлигини ташкил этиш методларини такомиллаштириш;

“педагогик таълим инновацион кластери”, “мактаб-лаборатория инновацион тажриба майдончаси”, “модулли мактабгача таълим лабораторияси” тушунчаларининг илмий-назарий асосларини ёритиш, педагогик таълим кластери воситасида мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштириш;

кластер воситасида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг халқаро баҳолаш дастурларига мувофиқ ўқиш саводхонлиги (PIRLS талаби) бўйича малакаларини ошириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогик таълим инновацион кластери воситасида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия сифатини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятларидаги 5 та умумий ўрта таълим мактабининг 323 нафар V-VII синф респондент-ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик таълим инновацион кластери воситасида таълим ва тарбия сифатини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлилий-статистик-тик, қиёсий-таққослаш), диагностик (суҳбат, сўровнома, кузатиш, тасниф-лаш), математик ва педагогик эксперимент (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“педагогик таълим инновацион кластери” тушунчаси (таърифи, таснифи, йўналишлари, тамойиллари) ҳамда кластер воситасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг илмий-педагогик муаммо сифатидаги назарий асослари кластер йўналишлари (таълимни ташкил этиш, таълим воситаларини яратиш, таълим-фан-ишлаб чиқариш тизими, таълимни бошқариш)ни таснифлаш (алоқаларнинг шакли бўйича, ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши бўйича, иштирокчилар фаолиятининг хусусиятига кўра, пайдо

бўлиш табиатига кўра, асосий ресурснинг тури бўйича, географик таркибий қисмнинг мавжудлигига кўра) асосида такомиллаштирилган;

педагогик таълим инновацион кластери миллий модели (субъектлар муносабати, йўналишлар тавсифи, амалга ошириш механизмлари, натижаларнинг самарадорлиги) ҳамда таълим муассасаларининг кластер ҳамкорлик тамойиллари (табiiй алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик, изчиллик, замонавийлик, йўналтирилганлик, ворисийлик, мақсаднинг умумийлиги, манфаатларнинг хусусийлиги, ўзаро назорат) педагогик таълим фаолиятига қўйилган талаблар (назария ва амалиёт уйғунлиги, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси, тарбияда анъанавийлик ва таълимда замонавийликни таъминлаш)га горизонтал ва вертикал интеграция нуқтаи назаридан устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластери воситасида таълим муассасалари ҳудудий ҳамкорлигини ташкил этиш методлари (келишув, амалий эмпатия, ҳамкорнинг обрўсини асраш, ўзаро тўлдирувчилик, ижтимоий камситишларни рад қилиш) таълимда ҳудудий яхлитликни таъминлашга йўналтирилганлик асосида такомиллаштирилган ва мазкур методларнинг мамлакатимиз педагогик таълим шароитига мувофиқлиги илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

“педагогик таълим инновацион кластери”, “мактаб-лаборатория инновацион тажриба майдончаси”, “модулли мактабгача таълим лабораторияси” тушунчаларининг мазмунига (таърифи, тавсифи, инновацион белгилари, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари) мос равишда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларига жалб қилиш орқали муайян фаолият йўналишлари бўйича самарадорликни ошириш тизими мобиллик ва тезкор қайта алоқани таъминлашга имкон бериш (ўзаро назорат, семинар-практикум, сўровнома, эксперт варақаси орқали) асосида такомиллаштирилган;

педагогик таълим инновацион кластери орқали умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги (PIRLS талаби): матн мазмунини тушуниш, ундан фойдаланиш, мулоҳаза юритиш ва муносабат билдира олиш малакаларини ривожлантириш методикаси, халқаро PISA баҳолаш тизимига тайёрлаш миллий дастури такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогик таълим инновацион кластери воситасида умумтаълим мактабларида “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ташкил этишнинг технологик алгоритми ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактабларида фанларни кластер асосида ўқитишнинг модернизациялашган тизими яратилган;

педагогик олий таълим муассасалари учун “Педагогик таълим инновацион кластери” махсус курс дастури ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларини халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёрлаш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини ошириш (матн мазмунини

тушуниш, ундан фойдаланиш, мулоҳаза юритиш ва муносабат билдира олиш малакаларини ривожлантириш) бўйича методик кўрсатма ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда ўқувчиларнинг “онгли ўқиш” кўникмасини ривожлантиришга қаратилган “Педагогик таълим кластери воситасида ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш” мавзусида адабий тур ва жанрлар бўйича туркумланган дидактик ўйинлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогиканинг асосий тамойилларига асосланганлиги; унда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги; муаммо юзасидан республикамиздаги ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда ғояларига таянилганлиги; педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги; тадқиқот мақсад ва вазифаларининг адекватлиги; хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогик таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида таклиф этилаётган кластер моделининг янгилиги, илмий-назарий асосланганлиги, унинг тамойиллари, йўналишлари ишлаб чиқилганлиги ва тавсифланганлиги, субъектлари аниқлаштирилганлиги, ушбу моделнинг таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтиришдаги аҳамияти, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириши, таълим сифатини бошқаришдаги зарурати назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида тажриба-синовдан муваффақиятли ўтган илмий-амалий лойиҳалар асосида олинган натижалардан умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, академик лицейларда таълим жараёнида фойдаланилаётгани, кластер ёндашуви асосида таълим муассасалари худудий ҳамкорлигини ташкил этиш методларининг ишлаб чиқилганлиги, халқаро PISA баҳолаш дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган услубий тавсиялар умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг ўқиш саводхонлиги (PIRLS талаби): матнни тушуниш, фойдаланиш, мулоҳаза юритиш ва муносабат билдира олиш малакаларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

педагогик таълим инновацион кластерининг назарий асослари ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш бўйича тадқиқотнинг илмий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 мартдаги 258-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3179-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларини кластер ёндашуви асосида шакллантириш бўйича педагогик олий таълим муассасаларининг илмий (кластер тадқиқи) ва амалий (кластер татбиқи) йўналишларда фаолият самарадорлигини оширишга эришилган;

мамлакатимизда педагогик таълимга қўйилган талабларга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган педагогик таълим инновацион кластери миллий модели (субъектлар муносабати, йўналишлар тавсифи, амалга ошириш механизмлари, натижаларнинг самарадорлиги) ғояси ва таълим муассасаларининг кластер ҳамкорлик тамойиллари (табiiй алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик, изчиллик, замонавийлик, йўналтирилганлик, ворисийлик, мақсаднинг умумийлиги, манфаатларнинг хусусийлиги, ўзаро назорат) бўйича илмий хулосалардан таълим муассасаларида лойиҳалаш методи (“Дьюи методи”) асосида кластер ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3179-сон маълумотномаси). Натижада, вилоят мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кластер воситасида ривожлантириш усуллари такомиллаштирилган;

худудий яхлитликни таъминлашга йўналтирилганлик асосида ишлаб чиқилган кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этиш методлари ИТД-1-148 рақамли “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3179-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик таълим мазмуни, кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил қилиш методикаси ва ўқитувчиларнинг компетентлигини ривожлантириш тизими такомиллаштирилган;

илмий тадқиқот ишининг назарий хулосалари асосида таклиф қилинган таълим субъектларининг ҳамкорлик муносабатларида мобиллик ва тезкор қайта алоқани таъминлаш воситалари (ўзаро назорат, семинар-практикум, сўровнома, эксперт варақаси)дан кластер ёндашувини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3179-сон маълумотномаси). Натижада, таълим турлари ўртасида ўзаро назорат, рақобат ва интеграция жараёнларида самарадорликни оширишга эришилган;

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси тизимида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёрлаш жараёнида тадқиқотнинг илмий-назарий хулоса ва методик тавсияларидан

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3179-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги (PIRLS талаби): матнни тушуниш, фойдаланиш, мулоҳаза юритиш ва муносабат билдира олиш малакаларини такомиллаштиришга эришилган;

педагогик таълим инновацион кластерининг мазмун-моҳияти, кластер воситасида таълим кампусини яратиш орқали субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро рейтингларда миллий таълим тизимининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялардан “O’zbekiston” телерадиокомпанияси “Маданий-маърифий, бадий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 30 июндаги O’z/R-1-13-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик таълим ҳудудий кластерлари воситасида миллий таълим рейтингини оширишнинг илмий ва методик таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан, 7 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мазмунини ёритувчи жами 41 номдаги илмий иш, жумладан, 3 та монография, 1 та илмий рисола, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 203 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги асослаб берилган, мақсади, объекти, предмети ва вазифалари белгиланган, тадқиқот ишини ташкил этишнинг назарий ва методологик асослари таърифланган, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Таълим кластерининг илмий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида педагогик таълим инновацион кластери таълим турлариаро, шунингдек, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциянинг жадаллашувига, узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланишига, таълим субъектлари салоҳиятини бирлаштириш натижасида уларнинг рақобатбардошлик қобилиятининг ошишига хизмат қилувчи омил сифатида тадқиқ қилинган, унинг илмий-методологик

асослари, тадқиқот йўналишлари кўрсатилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибаси ўрганилган ва унинг мамлакатимиз таълим тизими шароитида амалиётга татбиқ этишнинг усул ва йўллари аниқлаштирилган.

“Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида” деб номланган биринчи параграфда педагогик таълим кластерини илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш, самарадор усул эканлигини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича илмий асосланган таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқиш илмий жамоатчилик олдидаги долзарб муаммо эканлиги асосланган.

Педагогик таълим кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш йўналишлари, географик миқёс бўйича даражалари, субъектларини алоқаларнинг шакли, ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши, иштирокчилар фаолиятининг хусусияти, пайдо бўлиш табиати, асосий ресурснинг тури, географик таркибий қисмнинг мавжудлиги каби қатор белгилари бўйича тасниф қилиш педагогик таълим инновацион кластери тушунчасининг илмий-назарий ва педагогик асосларини ҳар бир субъектнинг манфаати нуқтаи назаридан ёритиш имкониятини бериши далилланган. Шунингдек, “кластер” ва “тизим” тушунчаларининг муносабати, уларнинг ўхшаш ва фарқли белгилари очиб берилган. Тадқиқот доирасида Тошкент вилояти мактабгача таълим, халқ таълими тизимидаги мавжуд ҳолат, сўровномалар натижасида аниқланган муаммолар ва кластер субъектларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳа йўналишларининг илмий тавсифи берилган.

Биринчи бобнинг **“Таълим кластери” тушунчасининг илмий-назарий ва педагогик асослари**” деб номланган иккинчи параграфда “кластер” тушунчаси соҳалар бўйича изоҳланган, кластер ҳамкорлигининг одатдаги ҳамкорликлардан фарқли белгилари тавсифланган. Таълимга нисбатан кластер ёндашув борасида хорижий тадқиқотчиларининг ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида “таълим кластери” тушунчасининг таърифлари умумлаштирилган. Жумладан:

- таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси (Л.И.Осечкина);³

- турли таълим муассасаларини (болалар боғчаси, мактаб, коллеж, ОТМ) интеграциялашуви натижасида таълим тизимини изчиллик принципи асосида қайта ташкил этиш (М.Н.Фроловская);⁴

- ОТМ, илмий тадқиқот марказлари, саноат вакилларининг маълум бир имтиёзларга эга бўлиш мақсадида бошланғич ишлардан инновацион тайёр

³ Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффективности деятельности вуза / Л.И.Осечкина// Высшее образование в России. -2012. -№8-9. –с.73-76.

⁴ Фроловская М.Н. Становление профессионального образа мира педагога на основе кластерного подхода / М.Н. Фроловская // Инновационные технологии в науке и образовании: сб. статей II ПНМК, Пенза, 23 янв. 2017 г. / МЦНС «Наука и Просвещение»; под общ.ред. Г.Ю.Гуляева (и др.). – Пенза, 2017. -С.210-212.

маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирида ўзаро ҳамкорликнинг таъминланишидир (Е.М.Терешин, В.М.Володин)⁵.

Хорижий тадқиқотчиларнинг таълим кластерига берган таърифларида мазмунни ифодалаш билан боғлиқ фарқлар кузатилса-да, умумий мақсад, умумий фаолият учун ҳуқуқий асос ва субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими, мақсадни амалга оширишни бошқариш механизмлари, кластер ёндашувни жорий этиш технологияси, инновацияларни қўллаб-қувватлаш каби уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Илмий адабиётларда кластер тушунчаси борасида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим инновацион кластери тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: педагогик таълим инновацион кластери (ПТИК) – муайян ижтимоий-географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бир-бири билан ўзаро манфаатли узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технологиялар ва ишчи кучларининг интеграциялашувини таъминловчи механизм.

Тадқиқотда “интеграция”, “ташаббус”, “манфаатдорлик”, “инновация” ва “ахборот” каби тушунчалар таълим кластерларини шакллантириш омиллари сифатида келтирилган. Ушбу омиллар таълимнинг барча турлари, хусусан, педагогик таълим кластерларининг самарали ишлаши ва бардавомлигини таъминлаш шarti эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотчилар Н.Н.Давыдова ҳамда Б.М.Игошевлар томонидан ишлаб чиқилган таълим кластерининг еттита асосий стратегиясини Ўзбекистон таълим сиёсати шароитида қўллаш механизмлари ишлаб чиқилган, стратегик вазибалар белгиланган. Педагогик таълим инновацион кластерининг аҳамияти соҳалар бўйича қуйидагича таснифланди: иқтисодий соҳада: самарали таълим хизматлари бозорини шакллантириш; ижтимоий соҳада: педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш; маркетинг соҳасида: инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни оммалаштириш; ҳуқуқий соҳада: кластер доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш; педагогика соҳасида: узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашни ҳамкорликда лойиҳалаш соҳаларида кўзга ташланади.

Бобнинг **“Таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш йўналишлари”** деб номланган учинчи параграфида халқаро амалиётда кластер ташаббусларининг тарқалиши ва кластер ривожланиши соҳасидаги миллий сиёсатларнинг шаклланиши, хусусан, бу борада АҚШ, Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Беларуссия, Қозоғистон

⁵Терешин Е.М., Володин В.М. Современная дефиниция понятия «кластер» и подходы к формализации этого явления // Экономические науки. 2010. № 2 (63).

каби мамлакатларда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни кластерлаштириш сиёсати, ихтисослаштирилган ахборот-таҳлил инфратузилмалари ўрганилган, хориж амалиёти таҳлил қилинган.

Европа мамлакатларида оммавий равишда кластерлаштириш жараёни қуйидаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан алоқадор эканлиги асосланган:

- Лиссабон саммити: Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан кластер дастурларини мажбурий равишда шакллантириш маъқулланди ва “Европа тадқиқот зонаси” (European Research Area, ERA) яратилди ҳамда “Минтақавий инновацион тизимларни ривожлантириш дастури” (RIC) қабул қилинди (2000 йил);

- Брюссел саммити: “Европанинг кластер Манифести” тасдиқланди (2007 йил);

- Стокгоlm саммити: “Европа кластер меморандуми” деб эълон қилинган Европанинг иқисодий ва ижтимоий соҳалардаги рақобатбардошлигини ошириш учун ўзига хос ҳаракат режаси ишлаб чиқилди (2008 йил).

Мамлакатимизда мавжуд таълим сиёсатидан келиб чиққан ҳолда таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибаларни амалиётига жорий этишнинг қуйидаги йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган:

1. Таълим тизимини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларга таълимни кластерлаштириш мазмуни билан боғлиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (Россия ва Беларуссия тажрибаси).

2. Узлуксиз таълим тизими ва илмий тадқиқот субъектларини ягона ташкилий тузилмада бирлаштириш (Россия тажрибаси).

3. Фаолият йўналиши ўзаро яқин олий таълим муассасаларини бирлаштирувчи тузилмалар ташкил қилиш (АҚШ, Германия, Франция тажрибаси).

4. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида илмий-тадқиқот марказларини ташкил қилиш (Хитой тажрибаси).


Диссертациянинг “Узлуксиз таълим тизими педагогик инновацион кластери” деб номланган иккинчи бобида педагогик таълим инновацион кластерининг миллий модели, тамойиллари ва узлуксиз таълим тизимида кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этиш методлари тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи “**Педагогик таълим инновацион кластери миллий модели**” деб номланади ва унда кластернинг субъектлар муносабати, ҳамкорлик ҳудудий тамойиллари, амалга ошириш механизмлари ҳамда кутиладиган натижаларини яхлит ва бир бутун тизимда умумлаштирувчи педагогик таълим инновацион кластерининг миллий модели ишлаб чиқилган (2.1-расм).

Модел 35 та компонентдан ташкил топган бўлиб, ишда уларга илмий шарҳ бериш орқали моҳияти очиб берилган.

Таклиф қилинган моделга кўра, ПТИКнинг мақсади муайян географик ҳудуддаги педагогик таълимга алоқадор субъектларни яхлит тизим сифатида

тасарруф қилиш, уларнинг фаолиятини умумий мақсад ва хусусий манфаат нуқтаи назаридан мувофиқлаштириш ҳамда тадқиқ қилишдан иборат.



1-расм. Педагогик таълим инновацион кластери миллий модели

Бобнинг “Педагогик таълим инновацион кластери ҳудудий тамойиллари” деб номланган иккинчи параграфда кластернинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш, фаолият чегараларини олдиндан кўра билиш учун унинг фаолияти қандай тамойилларга асосан ташкил қилиниши аниқлаш-тирилган.

Тадқиқотда мамлакатимизда таълим сиёсатининг устувор талаблари ва мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим инновацион кластерининг қуйидаги тамойиллари ишлаб чиқилди:

1. Табиий алоқадорлик тамойили: кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг ҳудудий, соҳавий ёки вазифавий жиҳатдан объективлиги.

2. Узвийлик ва узлуксизлик тамойили: кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўғиннинг ўз аниқ вазифаларига эга эканлиги, узлуксизлик занжирида бўшлиқларга йўл қўйилмаслиги.

3. Изчиллик тамойили: кластер субъектларининг вертикал ягона чизикда жойлашуви, бунда қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилиниши.

4. Ворисийлик тамойили: кластернинг авлодлар алмашинувидаги роли, тьюторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг малакали педагог ходимларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига эришиш.

5. Замонавийлик тамойили: соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялардан оқилона фойдаланиш.

6. Йўналтирилганлик тамойили: кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, кутилаётган натижаларнинг олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлиги.

7. Мақсаднинг умумийлиги тамойили: кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектдаги ягона мақсад атрофида бирлашуви.

8. Манфаатларнинг хусусийлиги тамойили: педагогик таълим инновацион кластери моделида ҳар бир субъектнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлиши.

9. Ўзаро назорат тамойили: кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ва тизимнинг нуқсонсиз ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилиши.

Иккинчи бобнинг “Узлуксиз таълим тизимида кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этиш методлари” деб номланган учинчи параграфда педагогик таълим инновацион кластери воситасида турли босқичдаги таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил қилиш бўйича қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги тадқиқотнинг амалий натижаларида Тошкент вилояти педагогик

таълим инновацион кластери мисолида исботланди: 1. Келишув методи. 2. Амалий эмпатия (ўзганинг кечинмаларини ҳис эта билиш) методи. 3. Ҳамкорнинг обрўсини асраш методи. 4. Ўзаро тўлдирувчилик методи. 5. Ижтимоий камситишларни рад қилиш методи.

Чирчиқ давлат педагогика институти негизида ташкил қилинган педагогик таълим инновацион кластери субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнинг қуйидаги фаолият моделларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб топилди: 1. Ахборот ва когнитив ижтимоий фаолият модели. 2. Илмий тадқиқот фаолият модели. 3. Муаммоли-таҳлилий ёки мунозарали фаолият модели. 4. Ижтимоий-ролли фаолият модели. 5. Ўйинли фаолият модели. Дарсдан ташқари машғулотларнинг турли шакллари ишлаб чиқиш ва ўтказишни ўз ичига олади. 6. Таълим воситалари фаолият модели. 7. Бошқарув фаолият модели.

Диссертациянинг **“Кластер асосида педагогик таълимни ташкил этиш ва бошқариш”** деб номланган учинчи бобида таълим-фан-ишлаб чиқариш босқичларида кластерга асосланган муносабатлар тизими белгилаб берилган, мамлакатимиз таълим тизимида кластер асосида педагогик таълимни ташкил этиш ва таълим сифатини бошқариш тажрибасининг самарадорлиги (Тошкент вилояти мисолида) асосланган ҳамда таълим субъектлари рақобатбардошлигини такомиллаштиришдаги аҳамияти ёритилган.

Учинчи бобнинг **“Таълим-фан-ишлаб чиқариш босқичларида кластер ёндашувининг аҳамияти”** деб номлаган биринчи параграфида тадқиқот учун асос бўлган “глобаллашув”, “новация”, “инновация”, “таълим инновацияси” ва “интеграция” каби тушунчаларга илмий таъриф ва шарҳлар берилган; таълим тизимидаги инновацион фаолият йўналишлари аниқлаштирилган; таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида субъектлар муносабати кластер ёндашуви асосида тизимлаштирилган.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси аҳамиятининг тобора ортиши ва заруратининг кучайиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланиши аниқланди: глобаллашув жараёнининг фан, таълим ва ишлаб чиқариш муносабатларига таъсирининг ортиши; илмий ишланмалар ва натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларининг кескин қисқариши; илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётганлиги; фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорликнинг асоси кадрлар салоҳиятига боғлиқлигининг тобора ортиши; илмий ишланмалар, тадқиқот натижаларининг тез фурсатда аҳамиятининг йўқолиши; интеграциядан ҳар учала субъектнинг бирдай манфаатдор бўлиши.

Бобнинг **“Кластер асосида педагогик таълимни ташкил этиш тажрибаси (Тошкент вилояти мисолида)”** деб номланган иккинчи параграфида кластерларни ташкил қилиш бўйича хорижий тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрлар асосида педагогик таълим инновацион кластерини ташкил қилиш бўйича жараёнлар изчиллиги Тошкент вилояти мисолида ёритилган. Мавжуд шарт-шароит ва кластер муносабатлар тизи-

мининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги тадқиқотнинг амалий натижаларида ўз тасдиғини топди: 1. Мавжуд ҳолатни ўрганиш ва тайёргарлик ишлари босқичи. 2. Кластер йўналишларини белгилаш ва фаолиятини йўлга қўйиш босқичи. 3. Кластер фаолияти ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш босқичи.

Вилоятдаги таълим муассасалари фаолиятини таҳлилий ўрганиш натижасида ҳудуддаги таълим муассасаларининг ишини мувофиқлаштириш, таълим турларининг фаолиятини “умумий маҳраж”га келтириш, ўзаро кўмак ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш мақсадида Тошкент вилояти педагогик таълим инновацион кластери қуйидаги фаолият соҳалари бўйича ташкил қилиниши белгиланди: 1. Илмий тадқиқот фаолияти. 2. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолияти. 3. “Модулли мактабгача таълим лаборатория”си фаолияти.

Тадқиқот доирасида Тошкент вилоятида педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида тақдим этилаётган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолиятини қуйидаги икки йўналишда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Умумтаълим мактабларидаги муаммоларни бартараф қилишга ва муайян йўналишдаги фаолият кўрсаткичларини кўтаришга қаратилган 13 та лойиҳадан иборат “Ҳамкор” дастурини амалга ошириш.

2. Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларга ўқув-услугий жиҳатдан кўмаклашиш ва ўқувчиларни 2021 йилда бўладиган халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёрлашга қаратилган “Ташаббускор талабалар” дастури фаолиятини йўлга қўйиш.

Ушбу дастурларда фаолияти йўлга қўйилган лойиҳалар якунида таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийликнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, педагог кадрлар тайёрлашда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги, талаб ҳамда эҳтиёжларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги билан боғлиқ бир қатор камчиликларнинг ечимига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Кластер ёндашуви асосида педагогик таълим сифатини бошқариш ва рақобатбардошлигини такомиллаштириш” деб номланган учинчи параграфда минтақа умумий таълим сифатининг кластер бошқаруви ва унинг воситасида таълим субъектларининг рақобатбардошлигини такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: минтақа умумий таълим сифатининг кластер бошқаруви – бутун минтақанинг умумий таълим сифати жараёнига ва унинг асосий элементларига, хусусиятларига (субъективлиги, мазмуни, тузилиши, динамикаси, шахс, жамият ва давлат талабларига мувофиқлиги) инсонпарварлик, узлуксизлик, демократлаштириш ғояларига асосланган

замонавий таълимни янгилаш ва ривожлантириш мақсадида комплекс, йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган таъсирдир.

Таълим тизимида давлат ва жамият талаблари ҳамда тақдим этилаётган таълим хизматлари ўртасида номувофиқлик, таълим субъектларини модернизация қилиш учун инвестицияларнинг етишмаслиги, меҳнат ва таълим бозорларидаги қарама-қаршиликлар билан боғлиқ камчиликларнинг ечимига кластер асосида ёндашиш таълим, фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлигида самарадорликни таъминлаши тадқиқотнинг амалий натижаларида ўз исботини топди.

Тадқиқот ишининг **“Мактаб-лаборатория – педагогик таълимда инновация”** деб номланган тўртинчи бобда “мактаб-лаборатория” тушунчасининг таъриф ва тавсифи баён қилинган, уни ташкил қилиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган, “Мактаб-лаборатория”ларда тажриба-синов ишлари йўлга қўйилган лойиҳаларнинг мазмуни, шунингдек, тадқиқот иши доирасида амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишларининг тавсифи ва математик-статистик таҳлили амалга оширилган.


Тадқиқотда педагогикамизда янги тушунча бўлган “мактаб-лаборатория”га қуйидагича таъриф берилди: Мактаб-лаборатория педагогик таълим кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган лойиҳалар, ишланмалар, тадқиқотларнинг тажриба-синов майдончаси.

Педагогик таълим инновацион кластери “мактаб-лаборатория” доирасида таълим турларининг илмий, назарий, амалий, методик салоҳиятларини ягона мақсадга йўналтириш технологиялари, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ёки таълим муассасаларининг муайян йўналишдаги ишларининг самарадорлигини оширишда улардан оқилона фойдаланиш тизими ишлаб чиқилди. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишни назарда тутди. (4.1-расм)

